Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

12 ИЮЛЬ, 1969 й.

ШАНБА

№ 162 (926).

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ДЎСТЛИК» МЕҲМОНХОНАСИ



Навоий ва Энгельс кўчаларининг муюлишида икки улкан бино қад кўтаради. Воронеж қурилиш-монтаж поездининг бинокор ишчи-қизлари қурган бу бино шаҳримиздаги кенжа меҳмонхонадир.

СССР халқлари ўртасидаги абадий биродарлик шарафига «Дўстлик» деб ном олган меҳмонхона 9 қаватдан иборат. Меҳмонхона бир йўла 450 кишини қабул қилади.

«Дўстлик» меҳмонхонасида сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари тугади. Ҳозир дастлабки меҳмонларни кутиб олиш учун охирги тайёргарлик ишлари кўрилмоқда.

ТОШКЕНТ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ 10 июль куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Комиссиялар СССР Олий Советига тегишли қарор лойиҳасини киритиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

◆ Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессиясида СССР қонунларининг лойиҳалари тўғрисида СССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг аҳолиқ тузатиш-меҳнат қонунлари Асослари, дастлабки қамоқ тўғрисидаги Низом, СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларининг жиноят қонунлари Асосларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида Миллатлар Советининг қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссияси раиси депутат Р. Нишонов доклад қилди. Доклад тонги газеталарда эълон қилинган.

◆ Венгрия Халқ Республикаси пойтахтининг Будапешт шаҳри бошлиғи Иштван Шарлош бошчилигида Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган делегацияси Тошкентга келди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

10 июль кечқуруни Катта Кремль саройида Иттифоқ Советининг раиси депутат И. В. Спиридонов раислигида СССР Олий Совети олтинчи сессияси Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг иккинчи қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисда Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар бошланди. Депутатлардан РСФСР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари **А. М. Школьников,** Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Ф. Д. Овчаренко,** СССР Фанлар академиясининг президенти **М. В. Келдиш,** КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари **Г. И. Попов,** СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари **Н. С. Тихонов,** Москвадаги «Серп и молот» металлургия заводининг пўлат эритувчиси **В. В. Клюев,** Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг раиси **С. О. Притицкий,** Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. Ю. Снечкус,** Совет хотин-қизлари Комитети президиумининг раиси **В. В. Николаева-Терешкова,** КПСС Уфа шаҳар комитетининг биринчи секретари **М. З. Шокиров,** ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Е. М. Тяжельников** сўзга чиқдилар.

Шу билан мажлис тамом бўлди. 11 июлда сессия ўз ишини давом эттиради.

* * *

Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси 11 июль эрталаб соат 10 да катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирди.

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Л. И. Брежнев, Г. И.Воронов, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, И. Ф. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар президиумга чиққанларида депутатлар ва меҳмонлар уларни самимий кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг 11 июлда ўтказилган қўшма мажлисида СССР ташқи ишлар министри депутат **А. А. Громиконинг** «Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари» тўғрисидаги доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Музокараларда СССР ташқи савдо министри депутат **Н. С. Патоличев,** КПСС Хабаровск область комитетининг биринчи секретари депутат **А. П. Шитиков,** Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг биринчи секретари депутат **С. Н. Усмонов,** Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари депутат **Г. А. Тер-Газарянц** сўзга чиқдилар.

Раислик қилувчи СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси депутат **Ю. И. Палецкис** музокараларни тўхтатиш тўғрисида таклиф тушди ва депутат **А. А. Громико** якунловчи нутқини сўзламайдиган бўлди, деб хабар қилади.

Сессия қатнашчилари гулдурос қарсаклар остида бир овоздан қуйидаги қарорни қабул қиладилар: «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети СССР ташқи ишлар министри депутат **А. А. Громиконинг** «Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари» тўғрисидаги докладини тинглаб ва муҳокама этиб, **қарор қилади:** СССР ҳукуматининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар соҳасидаги амалий тадбирлари тўла маъқулансин».

Миллатлар Советининг қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Р. Нишонов** сессия кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан — «СССР қонунлари лойиҳалари тўғрисида: ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг аҳлоқ тузатиш-меҳнат қонунлари асослари, дастлабки қамоқ тўғрисидаги низом, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонунлари асосларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» доклад қилди.

* * *

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг 11 июлда Катта Кремль саройида бўлиб ўтган қўшма мажлисида СССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат **М. П. Георгадзе** сессия кун тартибининг учинчи масаласи юзасидан доклад қилди. У айтдики, СССР Олий Советининг ўтган йил декабрь ойида бўлган бешинчи сессиясидан кейин ўтган вақт ичида СССР Олий Совети Президиуми фармонлар қабул қилди. СССР Конституцияси талабларига мувофиқ, бу фармонлар СССР Олий Советининг тасдиқига тақдим этилади.

М. П. Георгадзе СССР Олий Совети Президиуми номидан фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаларини СССР Олий Советининг тасдиқига тақдим этди.

СССР Олий Совети СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлади ва тегишли қонун ҳамда қарорларни қабул қилди.

Кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилди.

Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Киров район партия комитети Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси лекторийсида «В. И. Ленин пропагандист, агитатор, лектор» деган темада назарий конференция ўтказди.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик юбилейига бағишланган бу конференцияни район партия комитетининг секретари Л. Ш. Бекмўминова қисқача кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, тарих фанлари кандидати В. Т. Сизранцев «Пропаганда ва агитациядаги ленинча санъат» деган темада доклад қилди.

ЛЕНИНЧА ЖУМАЛИКЛАР

МОСКВА КЕНГАШИ ҲУЖЖАТЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг халқаро кенгаши ўз ишини давом эттирган кунларда миллионлаб кишиларнинг диққат-эътибори Ватанимиз пойтахти Москвага қаратилган эди. Бундай бўлиши табиийдир, чунки коммунистлар ва барча антиимпериалистик кучлар ҳаракати бирлиги масалаларини ҳамма соф ниятли кишиларни тўлқинлантиради.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москва Кенгаши замонамиз тарихига революцион кучларнинг империализмга қарши курашининг муҳим воқеаси, умумий мақсадлар йўлида коммунистик ҳаракат сафларини жипслаштириш соҳасида муҳим воқеа бўлиб киради. Шаҳар партия комитети кеча республикамиз пойтахтида бўлиб ўтган ленинча жумаликни Москва Кенгаши якунларини ўрганишга бағишлади. Бу жумаликни ўтказишда шаҳарнинг 70 га яқин партия ва совет активлари, жумладан район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари ҳамда шаҳар партия комитетининг штатсиз лекторлари иштирок этдилар. Улар саноат ва транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотларида ва муассасаларда докладлар қилдилар. Бу докладлар «Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши — коммунистик ҳаракат жипслигини марксизм-ленинизм принциплари, пролетар интернационализми асосида мустаҳкамлашда муҳим босқичдир» темасига бағишланди.

Кеча бўлиб ўтган ленинча жумалик тўғрисида сўзлаганда, ундан олдин ўтказилган пропагандистлар сиёсий ахборотчилар ҳамда «Билим» жамияти шаҳар ва район ташкилотлари сиёсий докладчилари ва лекторларининг семинари тўғрисида эслатмаслик мумкин эмас. Бу семинарда КПСС Марказий Комитети халқаро бўлимининг референти В. Г. Каримов ва СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходими С. С. Зиков Москва Кенгашининг ярулари ҳамда ҳозирги халқаро аҳвол ҳақида доклад қилдилар. Москвалик ўртоқлар ўз докладларида келтирган қизиқарли мисолар ва фактлардан ленинча жумалик қатнашчилари Тошкент меҳнаткашлари билан учрашувларида муваффақиятли фойдаланадилар.

Шаҳримиздаги айрим коллективларда ленинча жумаликлар қандай ўтганлиги ҳақида қуйида ҳикоя қиламиз.

Қоғоз комбинатида

Социализм кучларига миллий озодлик ҳаракати ва демократия кучларига қарши ҳужумга ўтиш учун империализм контрреволюцияни экспорт қилишга бутун кучини сарфламоқда. Реакцион монополистик буржуазия ўзининг асосий зарбасини социализм мамлакатларига қарши қаратмоқда, лекин унинг бошқа мақсадлари ҳам бор. улар ишчилар ҳаракатини парчалаб ташлашни ва миллий озодлик ҳаракатини бостиришни истайдилар, — деди қоғоз комбинати ишчилари олдида сўзга чиққан Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретри Ғ. Пўлатов.

Докладчи ишчилар синфининг ички душманлари — оғмачилар ва бузғунчиларнинг ижволари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Москва Кенгашининг гоят катта аҳамиятини ва бу кенгаш ўз вақтида чақирилганини таъкидлади.

Электротехника заводида

Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Б. Халилов докладининг Мао Цзедун группасининг бузғунчилик ишлари ҳақидаги қисмини электротехника заводи ишчилари маочи ревизионистларнинг ҳатти-ҳаракатидан газабланган ҳолда тингладилар. Пекинлик сотқинларнинг Гольдинский оролидаги сўнгги ғирромлари маочилар қандай пасткашликка борганликларини яна бир бор кўрсатди.

Докладчи хитойлик бузғунчилар тузган группалар ва «партиялар»нинг ишчилар ҳаракатида ҳеч қандай илдизи йўқлигини конкрет мисоллар билан кўрсатиб берди.

Темир-бетон буюмлари заводида

Корхона коллективи шаҳар партия комитетининг штатсиз лектори Ю. А. Врадий докладини зўр қизиқиш билан тингладилар. У тўпланганларга Кенгашга тайёргарлик, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Будапештдаги маслаҳат учрашуви тўғрисида, жаҳон коммунистларининг форуми тўғрисида сўзлаб берди ва бу кенгаш унда қатнашган барча партиялар биргаликда сарфлаган куч-ғайратнинг натижаси эканлигини таъкидлади.

* * *

Кеча бўлиб ўтган ленинча жумалик Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари келажакка зўр ишонч билан қараётганликларини яна бир бор кўрсатди. Улар меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритишни ўз ватанпарварлик бурчларини бажариш, жаҳондаги барча революцион кучлар олдидаги муқаддас интернационал бурчларини бажариш деб биладилар. Заводлар, комбинатлар, фабрикалар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасалар коллективлари— шаҳримизнинг барча меҳнат аҳли антиимпериалистик курраш вазифаларини ҳал қилишга ўз ҳиссаларини бундан буён янада кўпайтиришга, тинчлик демократия, миллий мустақиллик ва социализм ишини изчиллик билан ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаганлар.

Биз улуғ Ленин кўрсатган йўлдан бормоқдамиз. Бу кураш ва синовлар йўлидир. Биз— ленинчилар порлоқ келажагимиз — коммунистик жамиятни қомил ишонч билан қурмоқдамиз!

◆ *Ленинча меҳнат вахтасида*

4500 «ЗАНГОРИ КЕМА»

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг кўп минг кишилик коллективи КПСС Марказий Комитети Октябрь (1968 йил) Пленуми қарори ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги қарорига амалий иш билан жавоб бермоқда.

Беш йилликнинг тўртинчи йилини ленинча зарбдор меҳнат йили деб эълон қилган машинасозлар бу йил республика пахтакор механизаторларига икки қаторли ҳисобида 10 минг 600 та пахта териш машинаси етказиб бериш мажбуриятини олишган. Бу — ўтган йили тайёрланган «зангори кема»ларга нисбатан 3 минг та кўпдир.

Бугунги кунда корхонанинг улкан цехларида бўлган киши меҳнат завқи жўш ураётганининг гувоҳи бўлади. Завод реконструкция қилинаяпти. Цехлар ёнида янги-янги ишлаб чиқариш участкалари қад ростлаяпти. Бир томонда завод бош конвейер линияси узайтирилмоқда.

Заводда асосий маҳсулот— пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича ярим йилликка белгиланган план муваффақиятли адо этилди. 4500 та «зангори кема» тайёрланиб буюртмачиларга юборилди. Шулардан 1600 таси «17ХВ-1.8М» маркали икки қаторлаб пахта терадиган машиналардир. Қолганлари эса 4 қаторлаб пахта терадиган «Ўзбекистон» машинаси.

— Коллективимиз аъзолари, — дейди завод партия комитетининг секретари П. А. Юсупов, — пахтакорлар олдида берган сўзларининг устидан чиқиш учун жонбозлик кўрсатдилар. Йилнинг иккинчи ярмида коллективимиз олдида икки қаторли ҳисобида 6100 та пахта теркш машинаси ишлаб чиқаришдек муҳим ва шарафли вазифа турибди.

Шу сабабли июль ойидан бошлаб завод бош конвейеридан тушадиган машиналар сони янада кўпаймоқда.

Машинасозлар пахтакорларнинг қишлоқ хўжалик техникасига бўлган эҳтиёжларини қондира бориш билан бирга кенг истеъмол товарларини ҳам кўплаб чиқаришга эришмоқдалар. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ярим йиллик плани ҳамма кўрсаткичлар бўйича 111 процент бажарилди.

КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИДА

КЎНГИЛЛИЛАР

Ленин район комсомол комитетининг ташаббуси билан районда жамоат тартибини сақлаш бўйича кўнгилли халқ дружиналари ва комсомол отрядларининг оммавий рейди ўтказилди.

Комсомол рейдида кўнгилли халқ дружинаси ва 30 комсомол отряди қатнашди.

Ҳозирда жамоат тартибини сақлаш бўйича бундай рейдлар тез-тез ўтказилиб турилибди. Бирлашган нашриёт, электротехника заводи, каноп фабрикаси, Октябрь революцияси номли завод, трамвай-троллейбус бошқармасидаги ёшлар жамоат тартибини сақлашда фаол қатнашиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ

Трамвай-троллейбус бошқармаси комсомолларининг умумий мажлиси бўлиб ўтди. Пинғилшида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XV Пленумининг «Комсомолга партия раҳбарлигининг аҳволи ва бу раҳбарликни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори ҳақида бошқарма бошлиғининг йўл ҳаракати бўйича ўринбосари М. Валиев доклад қилди.

Авторемонт заводи комсомол комитетининг секретари Попов, 2-троллейбус парки комсомол-ёшлар экипажининг бошлиғи Н. Большакова ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб бошқарма комсомол-ёшларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёрлаётган меҳнат совғалари ҳақида фахрланиб гапирдилар.

Комсомоллар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига қўшимча мажбуриятлар олишди.

ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Фрунзе район комсомол комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети XV пленумининг «Комсомолга партия раҳбарлигининг аҳволи ва бу раҳбарликни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори ҳақида район партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Акимованинг докладини тингладилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати комсомол комитетининг секретари А. Саймурдина, совет савдоси техникуми комсомол комитетининг секретари Қ. Азимов, тўқимачилик институти комсомол комитетининг секретари В. Гуссев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, комсомол ишлари, ундаги ютуқ ва камчиликлар, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олаётганликларини гапириб бердилар.

ЖАМОАТЧИЛАР— «ОРЛЁНОК»КА

Бугун республика мактабларининг комсомол ташкилотлари секретарларидан бир гуруҳи РСФСРнинг «Орлёнок» лагерига жўнаб кетди. Бу Бутунроссия лагерида 31-комсомол-жамоатчи бир ой мобайнида мириқиб дам олиб қайтади. Лагерда, шунингдек, Бутуниттифоқ мактаблари математика олимпиадаси ўтказилади. Тошкентлик беш ўқувчи бу олимпиада мусобақасида қатнашиб, республика математиклари шарафини ҳимоя қилади.

◆ *Ёз-ўтмоқда соз*

ЛАГЕРЬ ЧОРЛАЙДИ

Кеча эрталаб А. Навоий номидаги Давлат Катта опера ва балет театри майдони ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Автобуслар саф тортган. Бўйинларига алвон галстук тақиб олган қувноқларнинг шодлиги чексиз. Ахир, қувонмай бўладими? Бир ой мобайнида «Голубой горки» лагерида маза қилиб дам оласан, чўмиласан, походга чиқасан...

Ҳа, Дон маҳсулотлари министрлиги ташкилотлари хизматчиларининг 360 фарзанди шу куни лагерга жўнаб кетишди.

Машиналар қўзғалди. Болалар эса лагерь ҳақидаги қувноқ ва шўх ашулани баралла айтабошлашди.

МУНОФОТ МУБОРАК, ҚУРУВЧИЛАР!

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган зилзила оқибатларини тугатишда актив қатнашганликлари, шаҳарни тиклаш ва қуришда қардошларча ёрдам берганликлари ва фидокорона меҳнат қилганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1969 йил 10 июлдаги Фармони билан иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар, область ва шаҳарлардаги қурилиш ва монтаж ташкилотларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг катта бир группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Шу жумладан **Ўзбекистон ССРдан** қуйидагилар мукофотландилар:

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Иванов Георгий Алексеевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 162-трестига қарашли 3-қурилиш бошқармаси дурадгорлар бригадири.

БУХОРО ОБЛАСТИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Кондревская** Ранса Васильевна — Навоий қурилиш бошқармаси 6-қурилиш-монтаж бошқармаси бўёқчилар бригадири.

2. **Некрасов** Юрий Иванович — Навоий қурилиш бошқармаси 6-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиги.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Гошкалова** Татьяна Прокофьевна — Навоий қурилиш бошқармаси 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг бўёқчиси.

2. **Дегтярев** Владимир Михайлович — Навоий қурилиш бошқармаси 5-қурилиш-монтаж бошқармаси бош инженери.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Бочарова** Нина Михайловна — Навоий қурилиш бошқармаси 6-қурилиш-монтаж бошқармаси бўёқчиси.

2. **Радчук** Виктор Алексеевич — Навоий қурилиш бошқармаси 79-қурилиш-монтаж бошқармасининг прораби.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Андреев** Леонид Петрович — Навоий қурилиш бошқармаси 6-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бошлиғи.

2. **Камалиев** Рафаэл — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 163-трест УНР-987 дурадгорлар бригадири.

3. **Прасолов** Николай Павлович — Навоий қурилиш бошқармаси 6-қурилиш-монтаж бошқармасининг монтажчиси.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Жанизоқов** Сарамсан — Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигига қарашли 5-трест уйсозлик комбинатининг электр пайвандчиси.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Марин** Николай Иванович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 11-трест 1-кўчма механизациялашган колоннанинг монтажчилар бригадири.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Аввакумов** Александр Сергеевич — СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Сибстальконструкция» тресги Ўрта Осиё қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчилар бригадири.

2. **Исоқов** Қодир «Главташкентстрой» 1-Тошкент уйсозлик комбинати йирик панелли уйсозлик заводи бетончилар бригадири.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Абдуқодиров** Абдимўмин — «Главташкентстрой»га қарашли «Ташинжстрой» трестининг бошқарувчиси.

2. **Абдуллаев** Нўлдош — «Главташкентстрой»га қарашли 159-трест 13-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

3. **Остонқулов** Анвар Шарипович — Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Ташсантехгазмонтаж» трести 3-монтаж бошқармасининг слесарь-санитария техниги.

4. **Ваҳобов** Набн «Главташкентстрой»га қарашли 1-«Крупнопанельжилстрой» 27-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

5. **Горбунов** Андрей Ермолаевич — «Главташкентстрой»га қарашли 2-«Отделстрой» трести 29-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси.

6. **Деҳқонов** Эргаш — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Главстройиндустрия» 5-темир-бетон буюмлар заводи бетончиси.

7. **Кадряев** Ҳасан Гусейнович — ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли «Узбекгидроэнергострой» трести «Энергосантехмонтаж» бошқармасининг бошлиғи.

8. **Қосимов** Собиржон — «Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармасига қарашли 1-темир-бетон буюмлар заводининг такелажниги.

9. **Қаюмов** Жалил — «Главташкентстрой»га қарашли 11-трест, 17-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

10. **Костюнин** Анатолий Сергеевич — «Главташкентстрой»га қарашли «Ташинжстрой» трести 1-труба ўрнатувчи ихтисослаштирилган бошқарма бригадири.

11. **Қурбонов** Нўлат Нуралиевич — «Главташкентстрой»га қарашли 3-трест, 16-қурилиш бошқармаси арматурачилар бригадири.

12. **Логвин** Иван Кузьмич — «Главташкентстрой»га қарашли, 9-трест 55-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

13. **Малишева** Елизавета Ивановна — СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли 7-«Мостотрест» 13-кўприксозлар отряди бетончилар бригадири.

14. **Пешковский** Олег Иванович — СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли Ўзбекистон 40 йиллиги номидаги Тўйтепа металл конструкциялар заводининг директори.

15. **Расулов** Солиҳ Рашидович — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

16. **Соатов** Ҳусни — «Главташкентстрой»га қарашли 1-«Отделстрой» трести, 24-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси.

17. **Шмидт** Карл Яковлевич — СССР Газ саноати министрлигига қарашли «Средазнефтегазстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи.

18. **Шустанов** Александр Степанович — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи капитал қурилиш бошқармасининг бош инженери.

2. **Абдуллаев** Мирҳамид Миркомилович — «Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трести 54-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси.

3. **Одилов** Собир — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари.

4. **Алеманов** Виктор Павлович — «Главташкентстрой»га қарашли 1-Тошкент уйсозлик комбинати пардозлаш ишлари бошқармасининг мастери.

5. **Орипов** Собир — «Главташкентстрой»га қарашли 5-трест, 30-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси.

6. **Асадов** Андрей Григорьевич — Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш бош бошқармасининг дурадгори.

7. **Асомов** Ҳусниддин — Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

8. **Бобожонов** Ражаб — «Главташкентстрой»га қарашли «Ташинжстрой» 10-трести ихтисослаштирилган бошқармасининг труба ўрнатувчи слесарлар бригадири.

9. **Жалолов** Маҳадин Жалолович — «Главташкентстрой»га қарашли 1-«Таштрансспецстрой» трести 4-ихтисослаштирилган бошқармасининг санитария техниги слесарлари бригадири.

10. **Еремин** Павел Васильевич — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Ташсантехгазмонтаж» трести «Горсантехмонтаж» монтаж бошқармаси газ пайвандловчиси.

11. **Ерицьян** Николай Григорьевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 6-трест, 3-кўчма механизациялашган колоннанинг комплекс бригада бошлиғи.

12. **Караев** Леонид Сергеевич «Главташкентстрой»га қарашли 1-Тошкент уйсозлик комбинати 2-пардозлаш ишлари бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи.

13. **Клибleев** Наил Фатихович — «Главташкентстрой»га қарашли 1-саноат корхоналари бошқармасининг темир-бетон буюмлари заводи директори.

14. **Ковалев** Владимир Яковлевич — СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли «Средазтрансстрой» трести 209-қурилиш бошқармаси йўл ишчилари бригадири.

15. **Кокашинский** Вениамин Стефанович — «Главташкентстрой»га қарашли 159-трест, 22-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

16. **Лабузов** Анатолий Алексеевич — СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Сибстальконструкция» трести Ўрта Осиё қурилиш-монтаж бошқармасининг старший прораби.

17. **Манина** Елена Степановна — «Главташкентстрой»га қарашли 2-уйсозлик комбинати пардозлаш бошқармасининг бўёқчилар бригадири.

18. **Маркович** Зусь Моисеевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

19. **Могилин** Стефан Павлович — СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳузуридаги «Главсредазирсовхозстрой»нинг «Промжилстрой» трести 104-кўчма механизациялашган колоннасининг бўёқчилар бригадири.

20. **Ниёзова** Зулфия — «Главташкентстрой»га қарашли 2-«Отделстрой» трести, 30-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси.

21. **Норматов** Қўчқор — «Главташкентстрой»га қарашли 2-«Строймеханизация» трести 1-механизация бошқармасининг газ-электр пайвандчиси.

22. **Окунский** Владимир Викторович — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

23. **Рўзматов** Мирзааҳмад — СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли «Узбекгидроэнергострой» трести Разрезостроитель бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи.

24. **Ричков** Геннадий Федорович — «Главташкентстрой»га қарашли 3-трест 23-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

25. **Савельев** Геннадий Николаевич — «Главташкентстрой»га қарашли 6-трест, 7-қурилиш бошқармаси дурадгорлар бригадири.

26. **Сайганов** Шамиль Аюпович — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи ремонт-қурилиш цехининг бошлиғи.

27. **Соқиев** Обид — Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг секретари.

28. **Самохвалов** Михаил Григорьевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи капитал қурилиш бошқармасининг сувоқчиси.

29. **Семенов** Павел Васильевич — СССР транспорт қурилиши министрлиги 7-кўприк трестининг бошқарувчиси.

30. **Темерте** Владимир Федорович — «Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трестининг бошқарувчиси.

31. **Тен** Алексей Владимирович — Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Чирчиқ ойна заводининг директори.

32. **Тишечко** Мария Ивановна — «Главташкентстрой»га қарашли 1-«Строймеханизация» трести 2-механизация бошқармасининг кран машинисти.

33. **Шарипова** Мақмуна Зокировна — «Главташкентстрой»га қарашли 1-«Отделстрой» трести 20-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси.

34. **Юнусов** Ўктам Ризаевич — «Главташкентстрой»га қарашли 153-трест 1-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси.

35 **Юнусов** Ҳожиакбар — «Главташкентстрой»га қарашли 4-трест 4-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бригадири.

36. **Юсупов** Ғофур — Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли ремонт-қурилиш бошқармасининг йўл ишчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Одилов** Рихси Назирович — Ўзбекистон матлубот жамиятлари республика союзига қарашли «Узкоопстройстрой»га қарашли «Промжилстрой» трести 104-механизациялаштирилган кўчма колоннасининг кран машинисти.

2. **Ан** Владимир Иванович — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Средазтепломонтаж» трести 1-ихтисослаштирилган бошқармасининг бошлиғи.

3. **Валихўжаев** Фатхуллахўжа Аъзамович — СССР газ саноати министрлигига қарашли «Союзпроводмеханизация» трести 4-ихтисослаштирилган бошқармасининг шофери.

4. **Глухарева** Дарья Осиповна — Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Оҳангарон цемент заводи цемент тегирмонининг машинисти.

5. **Давидянц** Самвел Мкртичевич — тиклаш ишлари билан шуғулланувчи Тошкент шаҳар қурилиш трестига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

6. **Донièрхўжаев** Искандар Ҳикматович — СССР Газ саноати министрлигига қарашли «Средазнефтегазстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

7. **Дўсматов** Мирзиёд — «Главташкентстрой»га қарашли «Крупнопанельжилстрой» трести 27-қурилиш бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи.

8. **Жуков** Николай Григорьевич — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Ташсантехгазмонтаж» трестининг бош инженери.

9. **Иброхимов** Тўхта — «Главташкентстрой»га қарашли «Ташинжстрой» трести 8-ихтисослаштирилган бошқармасининг сантехник слесари.

10. **Иваненко** Георгий Лольевич — Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг бош инженери.

11. **Эргашев** Мамирза — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи капитал қурилиш бошқармасининг бетончиси.

12. **Каримов** Аливой Жўраевич — СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳузуридаги «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Промжилстрой» трести 104-механизациялаштирилган кўчма колоннасининг кран машинисти.

13. **Каримов** Раим — Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли 3-ғишт заводи бошқармасининг ишлаб чиқариш бошлиғи.

14. **Карпов** Андрей Павлович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Главстройиндустрия» биринчи ремонт-механика заводининг слесари.

15. **Каспаров** Эдгар Амбарцумович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Главстройиндустрия»нинг бош инженери.

16. **Кравченко** Виктор Петрович — СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли «Узбекгидроэнергострой» трести бош инженерининг ўринбосари.

17. **Мавлонов** Нўлдош — «Главташкентстрой»га қарашли 153-трест 34-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

18. **Могамедов** Магомед Расул Алиевич — СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли «Средазтрансстрой» трести 194-қурилиш-монтаж поезднинг мастери.

19. **Махранов** Герасим Михайлович — «Главташкентстрой»га қарашли 159-трест 9-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси.

20. **Маямсин** Виталий Васильевич — Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бош архитектура-планлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

21. **Мемишев** Фарид Аҳмедович — «Главташкентстрой»га қарашли «Оргтехстрой» трести группасининг раҳбари.

22. **Мирзаахмедов** Ўлмас — «Главташкентстрой»га қарашли 3-трест 15-қурилиш бошқармаси ғишт терувчиларининг бригадири.

23. **Мирзуфарова** Ойниса — СССР «Госстрой»и Типовой ва экспериментальлойиҳалаш Тошкент зонал илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг катта инженери.

24. **Объедков** Петр Николаевич — СССР Йўллар министрлигига қарашли Ўрта Осиё темир йўли граждан иншоотлари Тошкент дистанциясининг дурадгори.

25. **Онофриенко** Владимир Леонтьевич — «Главташкентстрой»га қарашли 5-трест 3-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

26. **Регентов** Валентин Петрович — СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Союзлифтмонтаж» трести Свердлов монтаж бошқармасининг монтажчи слесарлари бригадири.

27. **Саримсоқов** Жўра Саримсоқович — меҳнаткашлар депутатлари. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли Ободонлаштириш бош бошқармаси «Горосвещение» конторасининг электр монтёрлари бригадири.

28. **Синев** Николай Яковлевич — «Главташкентстрой»га қарашли 153-трест 12-қурилиш бошқармаси бўёқчиларининг бригадири.

29. **Толипов** Маъсудулла — «Главташкентстрой»га қарашли транспорт бошқармаси 5-автобазасининг шофёри.

30. **Хўжамов** Султон — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Ташсантехгазмонтаж» трестининг бошқарувчиси.

31. **Чередников** Юрий Федорович — СССР Транспорт қурилиши министрлиги «Ташкентдорстрой» трестининг бошқарувчиси.

32. **Йўлдошев** Дадамирза — СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Сибстальконструкция» трести Ўрта Осиё қурилиш-монтаж бошқармасининг монтажчиси.

33. **Юсупов** Муҳаммад — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Абдуллаев** Марат Носирович — «Главташкентстрой»га қарашли 11-трест 69-қурилиш бошқармасининг бош инженери.

2. **Абдурасулова** Баҳри — СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли «Узбекгидроэнергострой» трести разрезстроитель бошқармасининг бетончиси.

3. **Оллоёров** Жўрақул — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи капитал қурилиш бошқармасининг станокчиси.

4. **Аносов** Николай Антонович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Главстройиндустрия» Тошкент эксперименталь механика заводи слесарларининг бригадири.

5. **Аҳмедов** Набижон — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Главстройиндустрия» 2-темир-бетон буюмлар заводининг электр пайвандловчиси.

6. **Баймашкин** Сироч Солихович — «Главташкентстрой»га қарашли 7-трест 2-қурилиш бошқармаси сантехник слесарларининг бригадири.

7. **Бобров** Николай Александрович — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли 93-трест ихтисослаштирилган «Энергомонтаж» монтаж бошқармасининг электр пайвандловчиси.

8. **Бурнашев** Зариф Софиевич — СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли «Ташгипротранс» институти техника бўлимининг бошлиғи.

9. **Валиев** Рустам Минибаевич — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бош архитектура-планлаштириш бошқармасига қарашли «Ташгипрогор» лойиҳалаш институтининг бош архитектори.

10. **Ғафуров** Абдураҳмон — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Ўзэлектромонтаж» трести Тошкент монтаж бошқармасининг электр монтёрлари бригадири.

11. **Жўраев** Тўра — «Главташкентстрой»га қарашли 1-«Строймеханизация» трести 3-механизация бошқармасининг автокран машинисти.

12. **Дўстмуҳамедов** Маҳкам Йўлчиевич — «Главташкентстрой»га қарашли 9-трест 50-қурилиш бошқармасининг прораби.

13. **Ильиних** Макар Анисимович — СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли 7-кўприк трести 13-кўприк отряднинг экскаватор машинисти.

14. **Козловская** Мария Васильевна — Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Тошкент тажриба-механика заводи цехининг бошлиғи.

15. **Кулишов** Геннадий Дмитриевич — СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли Ўзбекистон 40 йиллиги номли Тўйтепа металл конструкциялаш заводининг газорезчиги.

16. **Макаренко** Василий Алексеевич — «Главташкентстрой»га қарашли 1-«Таштрансспецстрой» трести асфальт-бетон заводининг оператори.

17. **Маҳкамов** Оқил — «Главташкентстрой»га қарашли 2-«Отделстрой» трести 31-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси.

18. **Павлов** Иван Карпович — СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Сибстальконструкция» трести Ўрта Осиё қурилиш-монтаж бошқармасининг монтажчиси.

19. **Пастушенко** Петр Филиппович — СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли «Строймеханизация» трести 13-механизациялаштирилган колоннасининг автогрейдер машинисти.

20. **Расулов** Қўчқор — Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Тошкент мармар заводининг тош кесувчиси.

21. **Самоенко** Владимир Васильевич — «Главташкентстрой»га қарашли саноат корхоналари бошқармаси Қўйлиқ норуда материаллар карьери яичин установкасининг машинисти.

22. **Советкин** Александр Алексеевич — «Главташкентстрой»га қарашли 2-«Строймеханизация» трести 7-механизация бошқармасининг бульдозер машинисти.

23. **Султонов** Ваҳоб — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи ремонт қурилиш цехининг сувоқчиси.

24. **Тўлаганов** Юнус Тўлаганович — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли «Гордорстройремонт» трести механизация бошқармасининг экскаватор машинисти.

25. **Федоров** Иван Алексеевич — «Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трести 45-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

26. **Ҳайитбоев** Нажим Назарбекович — СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли «Узбекгидроэнергострой» трести автотранспорт конторасининг шофери.

27. **Ҳасанбоев** Ортиқ — Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли 5-ғишт заводи бошқармасининг садчиги.

28. **Шамсимуҳамедов** Маҳаммадраҳим — СССР Йўллар министрлигига қарашли Ўрта Осиё темир йўли Қизил тўқимачи станциясининг поезд тузувчиси.

29. **Шоюнусов** Муҳид — Ўзбекистон ССР «Госстрой»нга қарашли «Узгоспроект» институти бош механика бўлимининг бошлиғи.

30. **Юнусов** Мирзараим Мирзаевич — тиклаш ишлари билан шуғулланувчи Тошкент шаҳар қурилиш трести 1-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

31. **Якутина** Лидия Ивановна — СССР Газ саноати министрлигига қарашли «Средазнефтегазстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг изолировка қилувчиси.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ваймер Лидия Степановна — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 8-трест уйсозлик комбинатининг бўёқчиси.

ИККИНЧИ ТУҒИЛИШ

Ҳозирги замон қурилишини саноат маҳсулотларисиз тасаввур қилиш қийин. Эндиликда қурувчи сўзи ўрнига монтажчи, бетончи, арматурачи, пайвандчи сингари саноат терминлари ишлатилмоқда; йирма темир-бетон буюмлари ва ҳар хил панеллар объектларда тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Бу соҳада пойтахтимиздаги 2-уйсозлик комбинати зиммасига ҳам катта вазифа — уй-жойларни панеллар билан таъминлаш масъулияти юкланган.

Иккита қурилиш бошқармаси, йирик панелли уйсозлик заводи саноат энергия бошқармасини ўз сафига бирлаштирган комбинат коллективи ўз олдига қўйилган юксак вазифани бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги замон қурилиш техникаси воситалари билан қувватини оширмоқда. Маҳсулот сифатини яхшилаш, ишда тежамкорлик хўжаликнинг асосий мезони бўлиб бормоқда.

— Комбинат шаҳримиздаги турар-жой қурилиш трестининг асосий ёрдамчи пудратчиси ҳисобланади,— дейди корхона бош инженери Талят Алиевич Билялов,— Биз трест бинокорларига янги дойиҳаларга мос панеллар, зиналар, ва саннтария кабиналари ҳамда турли мосламалар тайёрлаб беришимиз керак. Ҳозир корхона қайтадан реконструкция қилиниб, янги маҳсулотни ўзлаштиришнн ҳам бир вақтда амалга оширилмоқда.

Маълумки, уйсозлик комбинати 1966 йилгача 1-У-500 УСП сериясидаги 8,3 балли панеллар ишлаб чиқарар, унинг барча ускуна ва цехлари ҳам шунга мосланган эди. Тошкент зилзиласидан кейин 9 балли ер силкинишларига бардош берадиган панеллар ишлаб чиқариш зарур бўлиб, комбинат ишлаб чиқариш процесслари ни бошдан охиригача ўзгартиришга, маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатмай туриб завод ва цехларни реконструкция қилишга тўғри келди.

Комбинатнинг 3-йирик панелли уйсозлик заводида барча ишлаб чиқариш воситалари — арматура, бетон қориш, вертикал ва горизонтал форма, саннтария-техника кабиналари тайёрлаш ва мослама элементлари тайёрлаш цехлари тўла реконструкция қилинди, аввалгисидан бақувват маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

Биз завод цехларини айланар экаиниз корхона ишлаб чиқариш-техника бўлимининг старший инженери Альбина Жамолова ҳар бир маҳсулотга изоҳ берди.

— Мана бу вертикал панелларни қаранг, илгарисидан тубдан фарқ қилади.

Цехни реконструкция қилишда цех бошлиғи Эдуард Фёдорович Герлах раҳбарлигида емена бошлиқлари С. Мусақулов, Н. Жонбобоев, мастер В. Набиев, цех бошлиғининг ўринбосари Эдуард Шалманов кабн мутахассислар жонбозлик кўрсатдилар. Ўшаларнинг ғайрати ва ташкилотга тортади. Чинни синиқлари ва мармар парчалари эндиликда уйларни безатмоқда.

Арматура цехида ҳам анча янгиликлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Олдинги темир арматуралар ўрнини анча мустаҳкам нўлат арматуралар эгаллади, Фақат шу туфайли бақувват панеллар тайёрланди. 15—16, 17—18 деб аталмиш янги кассеталар маҳсулот сифатини яхшилашда кўл келмоқда.

— Цехимизда анчагина ишчилар янги технологиини ўзлаштириб олди,— дейди цех бошлиғи Иосиф Наумович Альман. — ремонтчи-слесарь Тимошулар жумласидандир. Шу ишчиларнинг ғайрати туфайли қисқа муддатда янги технология ўзлаштирилди.

Мослама элементлар цехида ҳам иш қизғин. У ерда зиналар, устун асослари, цоколь панеллар, саннтехника кабиналари тайёрланмоқда. Яҳё Закирянов бошлиқ бетончилар бригадаси аъзоларининг қўлиқўлга тегмайди. Анатолий Тихай, Николай Кин. Лекин шунга қарамай комбинатдаги иш қоиқарли эмас. Йил бошидан буён на завод, на бирорта бошқармада план топшириқлари бажарилди.

Комбинат планлаштириш бўлимининг бошлиғи Анатолий Павлович Новиков томонидан берилган маълумотда қуйидаги рақамларни ўқиймиз: биринчи кварталда қурилиш-монтаж ишлари 70 процент бажарилди. Пардозлаш бошқармаси эса планни ярим 58 процентга бажарди. Бошқа бошқармаларда ҳам шундай аҳволни кўрамиз.

— Ўзларингизга маълум, қиш совуқ келди, ишлаш имкониятн бўлмади,— дейди комбинат бош инженерининг ўринбосари Умрзоқ Йўлдошев,— иккинчи кварталда ёмон ишламадик, анча ютуқларимиз бор.

Иккинчи кварталда қурилиш-монтаж ишлари 105 процент, пардозлаш ишлари 118 процент адо этилди.

— Планни тўлдириш учун бизда тўла имконият бор, аммо ишчи кучи етишмаётганлиги анчагина қийинчиликларни келтириб чиқарянти,— дейди комбинат бошлиғи Ғайрат Ҳошимович Қурбонов.

— Биз республикамиз областларига одам юбордик, телевидение ва матбуотда ишчиларни ишга чақириб эълон бердик. Учинчи кварталда планни бажариш учун барча имкониятларни ишга соламиз. Ўйлаймизки, коллективимиз 1970 йилни ёруғ юз билан кутиб олади.

Уйсозлар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Барча бошқарма ва цехларда корхона қувватини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун қураш кетмоқда. Комбинат қайтадан туғилиб куч йиғмоқда, ишчилар эса янги-янги касбларни ўзлаштириб, ўз малакаларини оширишмоқда.

Ҳ. ҲАКИМОВ,
Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.



Ҳикматли сўзлар

◆ Илмли одамларни буюк деб бил ва илм эгаллашдан қочганни инсон санама.

◆ Умрни нима билан ўтказиш керак?— Илм таҳсили билан.

◆ Мол-дунёни сарфласанг, камаяди, илмни сарфласанг кўпаяди.

◆ Тўғри йўлни қандай топса бўлади? — Илм таҳсили билан.

◆ Буюкликнинг негизи аслу насаб эмас, илм ва одобдир.

◆ Ёшликда эгалланган илм — тошдаги нақшдир.

◆ Илм — ақл чироғи.

◆ Ҳунар бамисоли мушк анбардир. Уни пинҳон тутиб бўлармиди?

◆ Одамийлик отага қараб эмас, ҳунарга қараб аниқланади.

◆ Беҳунар қўл — гадойлик кафтидир.

◆ Машаққат чекишга одатлансанг, ҳаётинг осуда ўтади.

◆ Қаттиқ машаққат — роҳатга калит.

◆ Ҳар қанча молдунё ақл ва илмдан афзал эмас.

◆ Кўнгилдаги ғам нимадан ариши мумкин? Икки нарсадан: бири кўнгилга ёқадиган ўртоқдан, иккинчиси садоқатли дўстлар билан дийдор кўришишдан.

◆ Дўстлик бесабаб бўлмайди.

Студент почтальонлар

Тошкент Давлат университети филология факультетининг икки юздан ортиқ студенти шу кунларда шаҳримиз алоқа ходимларига сидқидилдан ёрдам беришмоқда, сумка кўтариб почтальонлик қилишяпти.

Студентлардан йигирмага яқини Киров район алоқа узелидаги 18, 37, 57 ва 84-бўлимларда почтальонлар билан ёнма-ён туриб, уларга яқиндан ёрдам беришяпти.

— Почтальонлик касби менга ёқиб қолди, — дейди 57-алоқа бўлимида ишлаётган III курс студенти Роза Хаскельзон,— биринчидан, бу иш бизни меҳнат кўникмасига ўргатади, иккинчидан ҳар бир хонадонга шу кунниинг янгиликлари ва хушхабар етказиш билан чексиз қувонаман.

И. УСМОНОВ.

ХАНДАЛАР

— Етмиш яшар киши бўлатуриб, 20 ёшли қизга уйланишингиз қандоқ бўларкин? Ахир у сиздан анча ёш-ку?

— Гапингиз тўғри. У ҳолда яна икки йил кутишга тўғри келади.

* * *

— Қалай биз тайёрлаган овқат сизга ёқдими?— сўради официант хўрандадан.

— Агар шўрва пиводек иссиқ, пиво эса шўрвадек совуқ бўлганида мен эътироз билдирмаган бўлардим,— жавоб қилди хўранда.

* * *

Бир ҳардамхаёл доктор ҳузурига бемор келди.

— Доктор, бошим жуда қаттиқ сиқиб оғрийди,— деди шикоят қилиб бемор.

— Анчадан бери?— сўради доктор.

— Туғилганимдан буён!

— Туғилмасинг н з дан аввал бошингиз оғримасмиди?..



Ҳар доим бўлсин қуёш..

В. Иванов фотоэтюди.

Фан ва техника янгиликлари

НУР ВОСИТАСИДА ПАЙВАНДЛАШ

КИЕВ. Инфрақизил, кўзга кўринмаган нурланишлар ва ультра бинафша нурланишлар металларни пайвандлашга хизмат қилиши мумкин. Украина Фанлар академиясининг Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институти олимлари материалларни ёруғлик нури ёрдамида қиздириш процессини тадқиқ этдилар. Нурли энергия инерт газлар, ҳаво, шишада ёйилиб кетмайди. Олимларнинг фикрига кўра, мана шу нарса иҳота муҳитида атмосферада, шаффоф идишларда деталларни бириктириш учун имкониятлар очиб беради. Оптик нур объективлар воситасида «инжанек» қилиб коксланади ва микроэлектрон асбобларнинг ғоят кичик деталларини пайвандлашга имкон беради.

Импульсли лазерлардан фойдаланиш шу жиҳатдан истиқболлидир. Бундай лазерлар металларни эритишга ва ҳатто буғлатиб юборишга етарли ёруғлик қуввати вужудга келтиришга қодирдир.

ТОР ИЗ ПАХЛАВОНИ

ДНЕПРОПЕТРОВСК. Днепропетровск электровозсозлик заводи тор изли магистраллар учун «ПУ-1» серияли дастлабки юк электровози ишлаб чиқарди.

Бу электровоз ўзидан олдингиларига қараганда бир ярим баравар катта вазндаги поездларни тортаолади. Локомотив Қозоғистондаги Текели кўрғошин-рух комбинатининг буюртмаси бўйича яратилди.

Ҳозир завод мутахассислари «ПУ-1» базасида бошқа бир юк локомотивини тайёрлашяпти. Бу локомотив ўрмон кесилаётган жойларда, ёнадиган сланец ва торф қазиб олинувчи карьерларда, шунингдек кўмир саноатида меҳнат қилади.

ЎСИМЛИКЛАР УЧУН «ТЕРМОМЕТР»

МОСКВА. Агрофизика илмий-тадқиқот институтининг ходимлари яратган янги асбоблар бундан буён ўсимлик учун атрофдаги муҳит қулай-қулай эмасми деган саволга тўғри жавоб беришда олимларга, қишлоқ хўжалик ходимларига ёрдам беради. Кўтариб юриладиган енгил «РТР-II» асбоби ўсимлик ва атрофдаги муҳит температурасини белгилаб беради. Чунончи, температура бир вақтда беш нуқтада ўлчанади.

Автомат микроиқлим станцияси деган бошқа бир асбоб ҳавонинг намлигини ҳамда ўсимликка бевосита яқин жой — ер бағирларидаги ҳаво температураси ўзгаришларини ўлчашга мўлжаллангандир.

МЎЙСАФИДЛАР ТУҲФАСИ



УШБУ суратдаги мўйсафидлар бир қарашдаёқ юзларидан нур, кўнгил ёғилиб турибди. Булар Бухоро областининг «Ромитан» совхозидан. Улар Ленинни биринчи бор эшитишганда ёшгина йигитчалар эдилар. Халқ талқини бу номни Бухоро амирининг қалин деворлари орасидан олиб ўтди. Улар бу номни эшитиб, ҳаётларини улуғ доҳий ишига бағишладилар.

Биринчи қарашда уларнинг ҳаётида қаҳрамонликлар жуда камга ўхшайди. Ҳуқуқсиз батраклар ер ва сув учун дастлаб амир ва унинг амалдорлари билан, сўнгра эса қишлоқ бойлари билан жанг қилдилар. Колхозлар ташкил қилишди. Ер учун Қизилқумнинг бебош қумлари билан курашдилар. Каналлар қурдилар, пахта экдилар. Пахта ҳосилини ҳар гектаридан 10—12 центнердан 25—30 центнерга кўтардилар. Улар ҳамиша ерни ясантирувчи бўлдилар. Уларнинг оёғи теккан сувсиз, янтоқзор ерлар гуллаб-яшнаган боғ-роғларга, «оқ олтин» майдонларига айланди.

Уларни иззат-ҳурмат билан пенсияга чиқаришди. эътиборни кучайтиришди. Кетмондан бошқани билмаган кечаги деҳқоннинг болалари ва набиралари механиклар, тракторчилар, техниклар ва инженерлар, олимлар бўлиб етишди. Гувалакдан қурилган уйлардан иборат бўлган эски қишлоқ кесалар хотирасидагина қолди. Пенсионерлар электрлаштирилган, телевизор ва радиоси бўлган, водопроводлаштирилган ва кенг, ёруғ уйларда яшашмоқда.

Лекин ҳаёт рамзи бўлиб қолган икки сўз — «Ленин» ва «Ер» сўзи уларнинг юмшоқ ёстиқда ёнбошлаб ётишларига йўл бермади. Ўн миришкор деҳқон кўпчилик олдида шундай дейишди: «Ленин бизга ва болаларимизга бахт берди. Шунинг учун ҳам биз унинг юбилейи арафасида хотиржам қўл қовуштириб ўтиролмаймиз. Билакларимизда куч кўп, қадимий Бухоронинг ери эса сахий. Бутун мамлакатнинг байрам дастурхонида бизнинг ҳам туҳфамиз бўлсин».

«Ромитан» совхозининг энг ҳурматли ўн мўйсафиди Ҳўжа-Заҳарон чўлида ер очиб экинзорлар қилишга қарор қилишди.

Уларга қудратли техника — бульдозер ва скреперлар, тракторлар ёрдамга келди. Каналлар бўйлаб Амударёнинг зилол суви оқабошлади. Шу йил баҳорнинг ўзида бу ерда 60 гектар майдонда маккажўхори ва пиёз экилди, тарвуз ва қовун пайкаллари юзага келди. Янги воҳа пайдо бўлди. Совхозчилар уни «Мўйсафидлар воҳаси» дейишади ҳазиллашиб.

Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейигача бухоролик ўн мўйсафид деҳқон 150 гектар қўриқ ер очиб, пахтазор ва маккажўхоризор, сабзавот пайкали барпо қилишади. Бу катта тўйга арзигулик совға.

СУРАТДА: умр бўйи деҳқончилик қилиб келаётган (чапдан ўнгга) Собир бобо Тоиров ва Содиқ бобо Собиров.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).



МОСКВА. Хотинқизлар XII жаҳон конгрессига бағишланган рассом аёлларнинг асарлар кўргазмаси бу ерда зўр муваффақият билан ўтди. Кўргазма экспонатларини ўн минглаб пойтахт меҳнаткашлари томоша қилдилар.

СУРАТДА: кўргазма залларидан бирида.

Э. Евзерихин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

РАССОМ ГАБАССУМИ



— Сизни курортга юбормайман дедимми — юбормайман!..



— Отпускани қандай ўтказдинг, дейсанми? Михдай! Ярмини тоғда ўтказдим.. Қолган ярмининми? Гипсда.



— Телевизорингни нега овози йўқ?!

— Бу кино эмас. «Ҳулқингдан ёмон бўлиб кетяпти!»— деб, одамлар аквариум қилиб қўйдилар.



Врач — «Пахтакор»га: — Юрак уришни жуда секинлашган. Йигитча, бордю тез-тез ҳаракат қилмасангиз мана бу путёвкани қўлингизга тутқазаман..



— Узр, сиз тўғрингизда ёмон фикрга бориб янглишган эканман...

— Ҳеч қиси йўқ, мен ҳам сизни яхши одам деб ўйлаб адашибман.

А. Ҳолиқов расмлари.

ХАР ТЎҒРИДА

ИККИ ХИЛ ТОВУШ ИЖРОЧИСИНИНГ САНЪАТИ

..Қуёш ҳароратидан куйган қўз ялтамас чўл устида, тоғ даралари бўйлаб эртаклардаги, улкан қушнинг сайрашини эслатувчи кучли ва мусиқий садо таралади. Ўнга бошқа бўғиқ ва паст, гоҳ гамгин, гоҳ шодиёна қўшиқ жўр бўлади. Бу — ижрочининг истагига боғлиқ.

Маълум бўлишича, хонанда икки хил овозни бир вақтнинг ўзида чиқарар, бирданига икки оҳангда куйларкан. Хонанда ўзининг бир мувозанатли ингичка товушини баланд товуш билан жўр қилган ҳолда олиб бораркан.

Бундай мафтункор қўшиқни тувалик қўшиқчилар ижро этадилар. Тува филармонияси ҳузурида мамлакатимизда ягона бўлган томоқ билан ижро қилинувчи қўшиқ ансамбли тузилган. Бу санъат — сигиртир деб номланади. Тувaликлар — бир вақтнинг ўзида икки хил оҳангда куйлаш санъатини эгаллаган озчилик халқларнинг биридир.

Айниқса «сигит» услубида ижро қилинадиган куй кишини завқлантиради. Бунда паст товуш нотаси доимо бир хилда бўлади, айни вақтда юқори товуш нотаси галма-гал алмашиб туради.

Томоқ билан ижро этилувчи куй жуда ҳам қийиндир. Товуш пардаларига зўр келиши натижасида хонанда узоқ ашула айтаолмайди. Шу жиҳатдан тува халқининг бундай ашула анъаналарини давом эттирувчи туғма хонандаларининг сони жуда ҳам кам.

«СИРЛИ» ДАРАХТ

Агар энциклопедия луғатларига ишонилса, бу дарахтлар аллақачон қазилма бойликка айланган бўлиши керак эди. Улар учинчи даврнинг охирларида — миллионлаб йиллар муқаддам Европа қитъаси юзидан йўқ бўлиб кетганлар. Аммо уларнинг онда-сонда вакиллари, масалан, қадимий Каменец-Подольск ерида эсон-омон ўсмоқда. Иккита гигант дарахти шаҳар кўчаларини безатгани эса, маҳаллий ботаника боғининг коллекциясини тўлдириб турибди.

Бу ноёб дарахтлар қандай қилиб бу ерга келиб қолган? Тарихчиларнинг тасдиқлашича, гигант кўчатлари бундан 200 йил илгари Европага Жанубий Осиёнинг қалин ўрмонзорларидан келтирилган. Бу дарахтлар ана шу келтирилган гигантларнинг туркумидан эмасмикин? Ҳар ҳолда Подольскнинг рангли либосга буркайдилар. Каменец Подольскнинг маҳаллий ботаниклари сирли дарахтларнинг сонини кўпайтириш устида бош қотирмоқдалар.

(«Труд» газетасидан).

Донохон маслаҳати

Пол ювиш

Бўялган полни бир челак сувга 1-2 қошиқ нашатир спирти қўшиб ювилади. Нашатир спирти полни ойнадек яраклатади. Полни сода ёки совунли сув билан ювиш керак, эмас полнинг бўёқлари бузилади.

Дераза ойналарини тозалаш

Дераза ойналарини сув билан ювиш мумкин. Бунинг учун бир литр сувга бир ош қошиқ нашатир спирти қўшилади. Ойналарни ювиб бўлгач, қуруқ латта ёки юмшоқ қоғоз билан артиш маъқул.

Шунингдек, ойналарни кукунланган бўр қўшилган сувда ҳам ювса бўлади. У қуригач, юмшоқ қоғоз билан артилади.

Эшик ва дераза ромларини ювиш

Бўялган эшик ва дераза ромларини бир литр сувга бир ош қошиқ нашатир спирти қўшилган илиқ сувда ювиш керак. Совунли сув билан ювиш ярамайди. Сода ёки совунли сув эшик ва дераза ромларини нурсизлантириб юборади. Нашатир спирти эшик ва дераза ромларининг кирини олади ва ойнадек жилвалантиради.

Эшик ва дераза ромлари ювилгач уларни қуруқ, тоза латта билан артилади. Акс ҳолда, ромларда сариқ доғлар ҳосил бўлиши мумкин.

Замазка тайёрлаш

Бунинг учун бир миқдор майдаланган бўр билан унинг тўртдан бир қисмига тенг олиф олиб, яхшилаб аралаштирилади. Олиф ўрнида зигир ёғи ишлатса ҳам бўлади. Замазка зах ерда қоғоз ёки латтага ўраб сақланади.

Чивиндан қутилиш йўли

Қизиган товага бироз камфора қуйиб юборсангиз, хонадаги чивинлар чиқиб кетади. Камфора тутуни одам саломатлиги учун зарарли эмас.

Парча қоғозга бир томчи анис мойи томизиб, у эриб қоғоз юзига ёйилгач, юз ва қўлларингизга суртсангиз сизни очиқ ҳавода ҳам чивин чақмайди.



Алишер Навоий номидаги Академик Катта театрда «Севги тумори» номли балетнинг премьераси бўлди. Бу балет ҳинд ёзувчиси Б. Гаргининг «Сонна ва Махавал» пьесаси асосида тайёрланган.

СССР халқ артисткаси Галия Измайлова саҳнага қўйган бу балетга СССР халқ артисти Мухтор Ашрафий куй басталаган.

СУРАТДА: шу балетдан кўриниш.

ХАМПАР

Мампар — уйғур халқининг энг севимли миллий таомларидан бири ҳисобланади. Бу таом жуда кўп витаминларга бой.

4 кишилик дастурхон учун қуйидаги миқдорда масаллиқ олинади: 600 грамм ун, шунча миқдорда гўшт, 40 грамм сариёғ, 120 грамм қиздирилган сариёғ, 4 дона тухум, 250 грамм пиёз, 50 грамм помидор томати, 160 грамм ошқўк.

Дастлаб хамир тайёрланади. Унга битта тухум, бироз туз солиб яхшилаб ишлов берилгач, қўлда майдалаб узилади ва сувда пиширилади.

Сўнг гўшт, пиёз, сариқсоқ, ошқўк қиздирилган сариёғда яхшилаб қовуриб олинади. Тухум эса бутунлигича сувда пиширилади.

Энг сўнгида қайла иссиқ сувга солиб олинади ва косаларга сузилади. Унинг устига тайёрланган қовурдоқ ва биттадан арчилган тухум солиб дастурхонга тортилади.

Мампарга меҳмоннинг таъбига қараб лози солиш ҳам мумкин. Майдаланган гаримдори билан майдалаб тўғралган сариқсоқ қизитилган мойда бироз қовуриб олинса, лози бўлади.

Ф. ЁҚУБОВ, С. ЗАЙНИДДИНОВ,
«Шарқ» ресторанининг пазандалари.



«Ўзбекфильм» коллективи «Севишганлар» фильмини суратга ола бошлади. Фильм сценарийсини Одельша Агишева ёзган. Режиссёр Элёр Эшмуҳамедов. Фильм ҳозирги ёшлар ҳақида, уларнинг севгиси, жўшқин ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: шу фильм суратга олинаётган пайт.

5 ИЮЛДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. «Ореро». 2. Рашидов. 3. Мажнун. 4. «Работница». 5. Патир. 6. Болға. 7. Ломоносов. 8. Метрос. 9. Фарғона. 10. Атака 11. «Рено» 12. Торф. 13. Рангун. 14. Каспий. 15. Ўтар. 16. Абрикос. 17. Муқимий. 18. «Роҳат» 19. «Ацтека». 20. «Дилором». 21. «Нафосат». 22. «Умид» 23. Тулки. 24. Балет. 25. Артур. 26. Метро. 27. Банги. 28. Репин. 29. Ритм. 30. Дарс. 31. Доллар. 32. Югославия. 33. Силагадзе. 34. «Тақдир». 35. Исқоқов. 36. Калинин. 37. Леонов. 38. Дарвин. 39. Эртак. 40. Жола. 41. Морзе. 42. Қизил. 43. Эрон. 44. Бруно.

Азиз Несин

Ғаройиб болалар



Аммо Сабрибей бир жойда тек турмайди, пайтавасига қурт тушган одамдай нари бориб, бери келади. Шунинг учун орқасидаги қоғозда бор нарсани кўчириб олиш хийла мушкул бўлди. Бунинг ҳам йўлини топдик—биродармиз уни гапга чалғитиб турамиз-да, бошқалар кўчириб олади. Менинг ишим юришмай қолди—энди кўчира бошлаганимда қимирлаб қолади. Охири у ёқ-бу ёққа жилпанглаб, Сабрибейда шубҳа туғдирдим. Мени кўлга туширмоқчи бўлди шекилли, тепамга келиб, ҳеч нарса билмаган кишидай орқасини ўгириб тураверди. Мен ҳам боплаб кўчириб олдим.

Ишни битирганлар қоғозини топшириб, бирин-кетин чиқиб кетишди. Кўнгироқ чалингач, қолганлар ҳам синфдан чиқишди. Буни қарангки, Сабрибейнинг орқасидаги шпаргалкани олиб қўйиш ҳеч қайсимизнинг эсимизга келмабди. Сабрибей ёзма ишларни йиғиштириб олгач, орқасидаги қоғозни ликиллатиб тўғри ўқитувчилар хонасига кириб кетди...

Хуллас, айбдор топилмабди. Сабрибей юмшоқ кўнгил одам экан, кўп ялинишганидан кейин болалардан янгидан имтиҳон олибди.

—Усмон қассоб эсингда борми? Униям боплаб қўлга туширган эдик-а?— деди улфатлардан ява бири.

Усмон қассоб деганлари тарих ўқитувчиси экан. Бу одам, аксинча, бир жойда қимир этмай ўтираркан-у, аммо кўзи худди ўткир прожекторга ўхшаркан. Ҳамма нарсани шундоққина кўриб тураркан. Шунинг учун имтиҳон бўлиб қолса, олдинги қаторда ўтирган болалар нуқул паст баҳо олишаркан. Орқада ўтирганларнинг иши дуруст бўларкан: улар олдинги қаторда ўтирган боланинг орқасига китобни қўйиб, бемалол кўчириб олишавераркан.

Навбат дадамга келди.

— Нофиз қуруқнинг имтиҳони ёдингиздами?

— Ҳа, анови пашша воқеасими?! Унутиб бўладими уни...

Маълум бўлишича, Нофиз қуруқ деганлари кимёдан дарс бераркан. Кўзи ожиз бўлгани учун узоқни яхши кўролмас экан. Бир куни имтиҳондан олдин ўқувчилардан бири каттакатта пашшадан тутиб, қутичага жойлаб олибди. Имтиҳон бошланибди. Ҳалиги бола юпқа қоғозда шпаргалка тайёрлапти, кейин уни ингичка ип билан пашшанинг оёғига боғлаб, учираверипти. Маълумки, юки бор пашша узоққа учолмайди, бир кўтарилиб, бир қўнади. Болалар пашшани тутиб, шпаргалкани кўчириб олишар, кейин эса бошқа томонга учириб юборишаркан. Ҳаммалари шундай қилишибди. Бир пайт тўсатдан эшик очилиб, синфга лицей директори кириб келибди. Тасодифни қаранг, оёғига шпаргалка боғланган бир пашша икки марта ҳавода гир айланибди-да, тўғри бориб директорнинг тепакалига қўнибди.

— Сизларга ҳеч нима бўлмадими ўшанда?— сўради Метин.

— Бир болани мактабдан ҳайдашмоқчи бўлишувди, аранг қутилиб қолди.

—Ўша ўртоғимиз ҳозир профессор бўлган,— қўшимча қилди Нуртоннинг дадаси.

— Сиз ҳам мактабда шу ишни қилганмисиз, бейафандим?— сўрашди бувамдан.

— Э, қайси мактаб кўрган бола шпаргалка билмайди, жаноблар,— деб бувам бошқа бир воқеани гапириб берди.

Кимёдан оғзаки имтиҳон кетаётган экан. Ичкарига уч кишидан кириб туришибди. Навбат бувамга келибди. Икки ўртоғи билан ичкари кирибди. Иккитаси орқарокда-ю, бир бола олдинда турган экан. Ўша энг олдинда турган бола синфнинг энг қолоқ ўқувчиси экан. Ўқитувчининг саволларига сираям жавоб беролмабди. Нимани сўрамасин, чурқ этмай тураверибди. Буни кўриб, ўқитувчининг хуноби ошибди. Қани, осонроқ нарсани сўрай-чи, зора жавоб берса, деган фикрда столда турган графинни кўрсатибди-да: «Хўш, бунинг ичидаги нима?» деб сўрабди. Бола безрайиб тураверибди. Шунда орқарокда турган ўртоғи ғижиниб: «Тўнка» дебди секингина.

— Графинда нима бор, ўғлим?—

— Тўнка, афандим...

Уша куни эшитган гапларим мени қаттиқ ўйлантириб қўйди. Эртасига танаффусда волейбол ўйнаб турган эдик, ўқитувчимиз ҳам бизга қўшилди. Ўйиндан кейин дам олиб ўтирган эдик, миямдан нари кетмай турган саволни ўқитувчига бердим.

— Нима, шпаргалка дейсанми?. Бу ишни мен ҳам қилганман, албатта. Аммо бир ўзим эмас,— деб жавоб берди ўқитувчи.—Синфимизда бир аълочи бола бўларди. Бир куни ёзма имтиҳон пайтида ўша бола ҳаммамиздан олдин ишини ёзиб тугатди-да, ташқари чиқиб кетди. Кейин катта картон қоғозга бутун жавобларни ёзиб, таёққа илибди. Ҳовли томонидаги деразанинг олдига бориб, таёқни баланд кўтариб турди. Биз ҳам жавобларни боплаб кўчириб олдик...

Эртаси куни ўқитувчи оилашунослик дарсидан ёзма иш оладиган бўлиб қолди. Ўнг томонимда Туркон, чапда эса Мурод ўтиради. Муродни билсанг керак, қайси бир хатимдаям уни сенга гапириб берган эдим. Ўқитувчи чақириб қолса, менми, деб анқовсирайдиган болачи? Энди эсингга тушдими? Мурод синфдан ўтолмай, ўтган йили шериклиридан қолиб кетган. Энди биз билан ўқияпти. Узи анча тиришқоқ бола-ю, лекин миясига дарс кирмайди. Аммо яхшигина ўртоқ у. Ўша куни Туркон ҳам нимагадир дарс қилмай келган экан. Ёзма иш бўлишини эшитиб, иккови мендан нажот сўраб қолишди.

— Шпаргалка узатолмайман-у, аммо керак бўлса секин айтиб туришим мумкин,— дедим уларга.

Ўқитувчи саволларни айтиб турди, ҳаммамиз ёзиб олдик. Мана ўша саволлар:

«Болани касалдан сақлаш учун нима қилмоқ керак?»

«Касалнинг олдини олиш учун болакинг ўзи нима қилмоғи керак?»

«Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўйинлар билан ўйинчоқларни айтиб беринг».

«Жисмоний жазонинг бирор тарбиявий аҳамияти борми?»

Кеча кечқурун ва бугун эрталаб оилашунослик китобин қўлимдан тушмаган эди, шунинг учун қайси саволга қайси бетдан жавоб топиш мумкинлигини биламан. Бундоқ қарасам, Туркон китобни тиззасига қўйиб олган экан.

—Эллигинчи саҳифани очинглар. Эллигинчидан эллик иккинчи бетгача кўчираверинглар,— секин шипшиб қўйдим Туркон билан Мурод икковига. Ўзим ҳам ишга киришиб кетдим.

— Мени лақиллатибсан-ку,— деб қолди бир пайт Мурод.

— Ҳа, нима бўлди?

— Эллигинчи бетда суяк ҳақида ёзилган-ку!

— Кейинги саҳифани оч!

— Очиб кўрдим. Мушак, қон томирлари бор экан.

Партанинг тагида ушлаб турган китобига кўз қиримни ташладим. Қўлидаги «Анатомия» дарслиги экан.

— Бунга бало борми? «Оилашуносликни ол!

Мурод бошқа китобни олиб, шипиллатиб ёза кетди. Салдан кейин Туркон иккови ишни топшириб чиқиб кетишди. Орқаларидан мен чиқдим.

— Меникида эллигинчи бет умуман йўқ экан,— деб қолди бир пайт Мурод.

— Нега энди? Албатта бўлиши керак,— дедим ҳайрон бўлиб.

— Йўқ, худо ҳаққи. Қирқ саккиздан олтмиш тўртгача кўринмади.

Кейин китобини кўрсатди. Гапи тўғри чиқди. Айтган бетлари чиндан ҳам йўқ экан. Бунинг эвазига олдинги бобдан иккита берилибди. Ҳар ҳолда китобни муқовалаш пайтида хато кетган кўринади.

— Хўш, кейин нима қилдинг?

— Қирқ саккиздан у ёғини кўчираверидим. Тавакkал-да.

Эртасига ўқитувчи ёзма ишларимизнинг натижасини ўқиб берди. Туркон билан менга аъло қўйибди.

—Энди мен сизларга синфдошингиз Муроднинг ёзма ишини ўқиб бермоқчиман,— деди у кутилмаганда— Мана, эшитинглар. Биринчи савол: «Болани касалдан сақлаш учун нима қилмоқ керак?» Жавоб: «Тез эскирмаслиги, бежирим ва озода бўлишлиги учун уларни эҳтиёт қилиш, вақт-вақти билан дазмоллаб туриш керак».


Ҳамма шарақлаб кулиб юборди.

— Жим бўлинглар! Энди иккинчи саволга ўтаман. «Касалнинг олдини олиш учун боланинг ўзи нима қилмоғи керак?»к Мана, Муроднинг ёзган жавоби: «Уни тез-тез чўткалаб туриш керак. Чангини қоқиб бўлгач, қозиққа илиб қўйинг. Мавсуми ўтгандан кейин эса бўғчага тугиб, сандиққа солиб қўйиш керак. Мабодо у қаттиқ кирланган бўлса, қайноқ сувга солиб, совун билан ишқалаб ювиш, кейин офтобга ёйиб қуритиш керак».

Кулаверибди. болаларнинг ичаги узилаёзди. Муроднинг шаънига ҳар хил кесатиқ гаплар ёғилиб тушди. Боқиш қаттиқ ўсал бўлди.

(Давоми бор)

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).



Ленинград области. Лугайнинг оромбахш жойларидан бирида, «Яшил қарағайзор» дам олиш уйи фойдаланишга топширилди. Дам олувчилар учун бу ерда ҳамма шарт-шароит мавжуд.

СУРАТДА: дам олувчилар павильонларининг бирида.

И. Баранов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

АЖОЙИБОТЛАР

69 ЁШЛИ АЁЛ ЭГИЗАК ТЎҒДИ

Мутахассисларнинг кўрсатишича, медицина тарихида бундай воқеа сира содир бўлмаган экан. Эрон Озарбайжонидаги қишлоқлардан бирида 95 яшар Машади Алиқомли деҳқоннинг 69 яшар хотини эгизак тугди. «Кайҳон» газетасининг ёзишича, вақт соати яқинлашгунча, ҳамма иншилар ҳаммасига шубҳа билан қараган. Кампирнинг кўзи ёриб, икки ўғил кўргандан кейингина ҳайрат барча моқларини тишлаб қолишган.

БОБОЧИНОР

Сайробда 800 ёшли чинор бор. Бу чинор танасининг кенглиги 15 метр. Тананинг пастки қисми ковак бўлиб қолган. Революциядан олдин бунда мактаб жойлашган. 1920 йилда у ердан қишлоқ советининг идораси ўрин олган. Ҳозир ковакда магазин, ошхона бор.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

РАДИО

12 ИЮЛЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Муқимий» музыкали драмасидан парчалар. 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 Қўшиқ ўргатилади. 20.00 «ЛЕНИНИОМА» программаси (ўзбекча). 20.30 Оммавий қўшиқлар (ўзбекча). 21.00 Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан» (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.20 Миртемир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.10 «Шанба оқшомида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар. 19.30 Ўзбекистон шоирларининг шеърлари (русча). 20.00 Сиз ёқтирган артистлар (тожикча). 20.30 Озарбайжон куйлари. 20.50 Проблемалар, тадқиқотлар, ўйлар. 21.00 Чет эл опера саҳналарининг концерти. 21.40 Балиқчилар куни олдидан. Очерк ва концерт (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Гулшан» радионурнали.

13 ИЮЛЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

БАЛИҚЧИЛАР КУНИ

6.15 Тонгги концерт. 7.45 «Катталарга — болалар ҳақида» деган эшиттириш (ўзбекча). 8.25 Сиз ёқтирган қўшиқлар. 9.30 Шарқ куйлари. 10.10 «Табассум» радионурнали. 11.35 Қўшиқлардан-қўшиқларга. 12.15 «Эрталабки салом!» (Москва). 13.30 «Республикамиз балиқчилари, сизлар учун» деган эшиттириш ва концерт (русча). 14.00 «ПАХТАКОР» радионурнали. 15.00 Бадиқ саноати ходимлари учун эшиттириш ва концерт (ўзбекча). 15.50 «Олмалиқ зарбдори» (русча). 16.10 «Драматик санъат усталари» Ўзбекистон ССР халқ артисти Зайнаб Садриева (ўзбекча). 17.40 Экран янгиликлари.

18.00 «Музыкали глобус» (ўзбекча). 18.40 Ю. Шишаковнинг рус халқ чолғу оркестри учун ёзган асарлари. 19.20 Халқ талантлари концерти (ўзбекча). 20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.30 «Ватан ҳақида, бахтиёрлик ҳақида қўйлаймиз» (ўзбекча). 21.00 «Мамлакатлар ва қитъалар» (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 «Табассум» радионурнали. Такрорий эшиттириш. 23.20 «Хайрли кеч» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Эстрада концерти. 9.15 Реклама ва эълонлар.

19.00 Москва. Халқаро шарҳловчилар давраси. 19.30 Рус композиторларининг камер куйлари. 20.00 «Юпитер» радиостанциясининг программаси (Москва). 21.00 Дам олиш концерти. 21.40 Лирик концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Ўзбекистон композиторларининг кантаталари. 14.30 П. Абрахамс. «Момақалдироқ сўқмоғидан» радиопостановкаси. 16.00 «Ленинома» программаси. 17.00 Эстрада концерти.

18.00 «Табассум» радионурнали.

ТЕЛЕВИЗОР

12 ИЮЛЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.50 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим». 18.50 Телевизион янгиликлар. 19.05 Ўзбек куйларидан концерт. 19.35 Саҳна усталари. Девонлар оиласи. 20.50 Кўрсатувлар программаси ва реклама.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.00 «Менинг заводим — менинг оилам». 21.20 СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 7-сериями. 22.30 Балиқчилар кунига бағишланган. «Огонёк». 23.45 Янгиликлар. 24.00 «Ленинизм — замонамиз байроғи». 00.30 Концерт. 01.30 Москвадаги халқаро VI кинофестивалида. Ҳужжатли кино. 02.00 Эфирда — «Молодость». 03.00 Янгиликлар. кўрсатувлар программаси. 03.15 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

18.00 Вильнюс шаҳрининг немис-фашист босқинчиларидан озод этилишининг 25 йиллигига бағишланган эшиттириш. 18.30 Рангли телевидение программаси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 21.00 Спорт ҳафта ичида. 21.20 Халқ талантлари ижросида концерт. 22.00 «Тергов практикасидаги бир ҳодиса». Бадиий фильм.

13 ИЮЛЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Гимнастика ҳамма учун (ўзбек тилида).

Рус тилида. 10.20 Болалар учун «Франтишек», «Ромашкова-музейи. 15.00 Интервидение: Ўқувчилар учун. «Дўстларимизга саломлар». 15.45 Интервидение. Ўқувчилар учун эшиттириш. 16.30 Интервидение. Спорт янгиликлари. 17.00 Қишлоқ янгиликлари.

18.00 Балиқчилар кунига бағишланган эшиттириш. 18.30 Санъат усталарининг балиқ саноати ходимларига бағишланган концерти. 19.00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун эшиттириш 19.30 «Вақт информацион программаси. 20.00 «Узганинг боласи». Телеспектакль премьераси. 21.30 Рангли телевидение программаси. 22.30 СССРда Польша Халқ Республикаси маданият кунлари. «Ҳаёт-мамот учун» Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 8-сериями. 23.30 «Етти кун» Халқаро программа. 00.15 Рангли телевидение программаси. 01.45 Спорт ҳафтаси. 02.00 Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. 02.15 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

Рус тилида. 17.00 Экран — болаларга. 17.20 Телефильм.

18.00 Талабларга мувофиқ концерт. 18.40 Жойиб инсоний хислатлар 19.30 Кўрсатувлар программаси.

Киргиз тилида: 19.35 «Шибге» сатирик журнали. 20.00 «Севимли этиладиган». Бадиий фильм. 22.00 Концерт.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 13/VII да Мирзо Улуғбек,

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 13/VII да Ажаб савдолар, 14/VII да Маҳтумқули.

Кино

12 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! —«ЧАЙКА», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқуруи), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9.45 минутда).

Минг имконийтдан бири — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кечқуруи), «ДРУЖБА» (кеч соат 9 ва 9.40 минутда).

Сўнгги кўчув — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқуруи).

Ака-ука Сароялар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқуруи).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Минг имконийтдан бири — «ХИВА», ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Аввал сен ур, Фреди! —«ФЕСТИВАЛЬ».

13 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди!— САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9.45 минутда).

Минг имконийтдан бири — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи), «ДРУЖБА» (кеч соат 9 ва 9.40 минутда).

Сўнгги кўчув —«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Ака-ука Сароялар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Ҳукм ижро этилди — «МОСКВА (эрталаб соат 10 ва кеч 9.20 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда)

Минг имконийтдан бири — «ХИВА», ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Аввал сен ур, Фреди! — «ФЕСТИВАЛЬ».

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 2-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1969-70 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти авиация саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: **металлар бўйича токарлар, фрезерчилар, саноат маҳсулотларини йиғувчи-слесарлар, ремонтчи-слесарлар, самолётларни монтаж қилувчи слесарлар, қолипчилар.**

7—8—10 синф ҳажмида маълумотлилар 15 дан 25 ёшгача қабул қилинади. Ўқиш муддати 1 дан 2 йилгача.

Ўқиш вақти иш стажига қўшилади.

Ўқувчилар ўқиш вақтида машинасозлик техникумларининг 3-курси қатори (23 сўм 50 тийин) стипендия оладилар, ўқиш аълочиларига 25% кўп туланади.

Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Андижон областидан келган паспортли кишилар ётоқхона билан таъминланади.

Кириш учун ариза, таржимаи ҳол, ўрта маълумотлилиги тўғрисида аттестат ёки табель (асл нусхаси), паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар-жойидан, ота-оналари ишлайдиган жойидан справкалар, мактабдан ёки иш жойидан характеристика, олтита фотосурат (3х4 см) топширилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, Авиация проезди, 10-уй (10-трамвай, 10-троллейбус, 8, 10, 14-автобусларнинг «Максим Горький» бекати), Телефон 9-91-91.

ТОШКЕНТ ХЛАДКОМБИНАТИГА

тайёр маҳсулотлар омбори **омборчилари ва юкчилар, операторлар, секретарь-машинистка, бухгалтерлар, мороженое фабрикаси ишчилари** (хотин-қизлар), **автотранспорт юкчилари**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 6-уй (5, 7, 12, 26-автобусларнинг «1-Винзавод» бекати). Телефонлар 66-24-05, 66-24-07, 66-27-09.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 30-ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1969—1970 ЙИЛИГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кенг профилдаги озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиси, ошпазлик.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Озиқ-овқат сотувчилари группасида ўқиш муддати — бир йил.

8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар 15 ёшдан қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 марта бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикасидаги маошининг бир қисми билан таъминланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта махсус билим юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Директор номига ёзилган аризага туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан ва соғлиги тўғрисида (форма билим юрти томонидан берилади) справкалар, 4 фотосурат (3х4) қўшиб топширилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ЖОЙЛАРГА БОРИБ ИШЛАШ УЧУН **ҚУРИЛИШ-РЕМОНТ БОШҚАРМАСИГА**

слесарлар; монтажчилар, санитехниклар, **газ-электр пайвандчилар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, бетончилар, арматурачилар, ёрдамчи ишчилар, юкчилар, столярлар, автокран кранчилари, бульдозерчилар, шоферлар, монтаж қилувчи электриклар, қурилиш механизмлари ремонти бўйича автослесарлар ва слесарлар.**

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай ва аккорд-мукофот тариқасида тўланади.

Командировка ҳамда квартира ҳақи берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Рисовая кўчаси, 166-уй (22-автобуснинг «Бойсун» бекати).

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 133-мактаб томонидан **ШОДИЕВА Гулчеҳра** номига берилган **054598-сонли** йўлқолган

ШАҲОДАТНОМА

бекор қилинади.

«СОЮЗТЕЛЕФОНСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ **ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА**

Тошкент, Фрунзе, ўш, Душанба, Кулоб, Фарғона, Қўқон шаҳарларида ишлаш учун **—алоқа монтёрлари** (ишбай асосида);

Тошкент шаҳрида ишлаш учун — **бухгалтерлар, агент-экспедитор, механик, автомат телефон станциялари монтаж-чи-слесарлари, «Белорусь» экскаватори машинисти, юк автомашинаси шоферлари, автослесарлар, вахтёрлар, шунингдек алоқа монтёри, автомат телефон станциялари монтаж-чи-слесарлари** касбига ўргатиш учун 8—10-синф ҳажмида маълумотли ЙИГИТЛАР

КЕРАК

Ишчилар алоқа институти ва техникумларига кириб ўқишларида мавжуд имкониятлардан фойдаланадилар.

Шунингдек, қуйидаги касбдаги пенсионерлар ҳам ишга таклиф қилинади: **алоқа монтери, механизатор** ва **шофер** оладиган маошларидан ҳатъий назар пенсиялари тўла-тўкис сақлаб қолинади).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 37-уй (2, 16-трамвайлар, 9, 11, 19, 40-автобусларнинг «Геологоразведка» бекати). Гараж адреси: Куйбишев шоссеси, 15-уй.

ТОШКЕНТ «САНТЕХОБОРУДОВАНИЯ» ЗАВОДИГА

саноат вентиляцияларини тайёрлаш бўйича **темирчи-слесарлар, сантехник-слесарлар,** юқоридаги ҳунарларга **шогирдлар**

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофот тариқасида тўланади.

Етмиш киширларга ётоқхона; оилалиларга 2 йиллик муддатда квартира берилади.

Шогирдлар 3 ойлик муддатда мустақил ишга ўтадилар. Ўқиш вақтида 62 сўм 50 тийин стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жарқўрғон кўчаси, 22-уй (15, 26, 50 автобусларнинг «Завод» «СТО» бекати). Телефон 11-53-88.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 12 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2798. Р. 00384. Индекс 64579